
Қува туманида 4 та тажриба асосида аҳоли бандлигини таъминлаш, кичик бизнесга жалб қилиш бўйича Қува тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Закировнинг МУРОЖААТИ
Ассалому алайкум, Тумандошлар!

Мухтарам Юртбошимиз томонидан яратиб берилган 4 та тажриба, яъни **Сайхунобод, Зарбдор, Уйчи ва Ғиждувон** тажрибалари янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳоли даромадини ошириш, томорқадан самарали фойдаланиш, маҳаллаларда драйвер лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва саноатни ривожлантиришда дасутри амал бўлиб хизмат қилмоқда.

Жорий йил мобайнида **“Сайхунобод тажрибаси”** асосида 65 та маҳаллаларда жами **1 114 та** микролойиҳалар (қиймати 46 млрд 183 млн.сўм) амалга оширишни режалаштирган эдик.

Амалда ўтган давр мобайнида **1 430 та** лойиҳалар (қиймати 47 млрд 68 млн.сўм) ишга тушурилди (**128 %**) ва бунинг натижасида 2 987 нафар аҳоли бандлиги таъминланди._

Шундан **сентябр** ойида **195 та** лойиҳаларни амалга ошириш белгиланган бўлиб, амалда **199 та** лойиҳалар (қиймати 5 млрд 397 млн.сўм) ишга тушурилди (**102 %**).

“Зарбдор тажрибаси” асосида **14 та** маҳаллаларда саноат, савдо, хизмат ва замонавий агротехнологиялар соҳасида жами **21 та** лойиҳалар амалга ошириш режалаштирилган. Яратиладиган иш ўринлари сони **820 та**.

Топшириққа асосан қиймати **79,8 млрд.сўмлик** 21 та лойиҳалар шакиллантирилди. Иш ўринлари сони - **820 та**.

Амалда бугунги кун ҳолатига **14 та** лойиҳалар (қиймати 48,2 млрд.сўм) ишга тушурилиб, **420 та** иш ўринлари яратилди.

Қува туманида **“Ғиждувон тажрибаси”** асосида **14 та** маҳаллаларда “тепага ўсадиган” (*вертикал*) саноат бинолари ташкил қилиш, бино ва иншоотларларга эҳтиёжи юқори бўлган тадбиркорлар ишлаб чиқариш қувватларини кўчириш бўйича жами **150 та** лойиҳалар амалга ошириш режалаштирилган. Яратиладиган иш ўринлари сони **1170 та**.

Топшириққа асосан **24 та** лойиҳалар шакиллантирилди. Иш ўринлари сони - **745 та**. Амалда бугунги кун ҳолатига **5 та** лойиҳалар ишга тушурилган. Иш ўринлари сони - **204 та**.

Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича **“Уйчи тажрибаси”** асосида **июль-декабр (2-ярим йиллик)** ойлари мобайнида банк мижозлари билан **19 та** учрашувлар ўтказиш ва бунинг натижасида **1 832 та** иш ўринлари яратиш белгиланган. Амалда бугунги кун ҳолатига банклар томонидан **9 та** учрашувлар ўтказилиб, **1076 та** иш ўриналари яратилди (**59%**).

Жумладан, **сентябр** ойида **1 та** учрашув ташкил этилиб, **326 та** иш ўринлари яратилди.

2024-09-23 16:02:22